



«ТАСДИКЛАЙМАН»

«Дехқонобод калий заводи» АЖ

бошқаруви раиси ўринбосари

Р.Туракулов

2022 й.

**"Дехқонобод калий заводи" АЖ Ишчилар шаҳарчасидаги газ қурилмаларига
лойihalаштириш ишлари хизматларини кўрсатувчи ташкилотни танлаш
бўйича**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Дехқонобод – 2022 й.

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар.		
		1.1	<p>Танлаш предмети: "АЖ Ишчилар шаҳарчасидаги газ қурилмаларига лойихалаштириш ишлари хизматлари. Танлаш предмети битта бўлинмас лот ҳисобланади</p>
		1.3	<p>Техник топшириқ бўйича Танлашнинг охириги қиймати бажариладиган ишлар учун ҚҚС сиз 14 850 000 (Ўн тўрт миллион саккиз юз эллик минг) сўмдан ошмаслиги керак.</p> <p>Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.</p> <p>Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан юқори бўлмаслиги керак.</p>
		1.5	<p>Хизмат кўрсатиш бўйича техник талаб танлаш ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.</p>
		1.6	<p>Танлаш комиссиясининг мажлиси – сиртдан электрон шаклда ўтказилади.</p>
2	Танлаш ташкилотчилари	2.1	<p>“Дехқонобод калий заводи” АЖ танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.</p> <p>Манзил: Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Бешбулоқ қишлоғи, “Дехқонобод калий заводи” АЖ</p> <p>Банк: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қашқадарё минтақавий филиали</p> <p>Х/Р: 20210000904620443001</p> <p>МФО: 00854</p> <p>ИНН: 206887857</p> <p>ОКОНХ: 13116; ОКЭД 20151</p>
		2.2	<p>Мулоқот учун маъсул шахс: Комиссия котиби – “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг шартнома мажбуриятлари ва ғазначилик бўлими етакчи иқтисодчиси Остонов Бахтиёр Баратович</p> <p>Тел.: (998 91) 450-72-00, Талабнома киритган бўлинма: ИГТЦ бошлиғи И.Жабборов. (99) 674-44-56.</p>
		2.3	<p>Ғолиб билан шартнома имзоловчи: “Дехқонобод калий заводи” АЖ</p>
		2.4	<p>Танлаш, “Буюртмачи” томонидан ташкил қилган, таркиби камида беш кишидан иборат, танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.</p>

		2.5	Танлашда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, истаган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
3	Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар	3.1	Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар гаров сифатида, танлаш предметининг максимал нархидан 3 (уч) фоиз миқдорида etender.uzex.uz махсус ахборот порталининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб беради (<i>гаров суммаси шартнома имзолангандан сўнг иштирокчига қайтарилади</i>)
		3.2	Келишилган муддат ичида танлаш таклифининг қайтариб бўлмайдиганлиги ва ўзгармаслигининг кафолати сифатида куйидагиларни гаровга қўйилади: - кафолат муддати таклифларни қабул қилишнинг охири санасидан бошлаб 90 (тўқсон) кун бўлиши керак.
		3.3	Танлаш харидлари бошланишидан олдин танлаш комиссияси иштирокчиларни куйидаги тартибда танлаб олади: Балл усули – танлов таклифининг техник ва квалификация ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл туплаган иштирокчини голиб сифатида аниқлайди. Энг паст нарх усули – танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш ва натижаларига кура электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини голиб сифатида аниқлайди. Танлашда иштирок этиш учун фақат малакавий танлашдан ўтган иштирокчиларга рухсат берилади. Малакавий танлаш учун иштирокчилар куйидаги мезонларга жавоб бериши керак: - шартномани бажариш учун зарур бўлган техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; - шартнома тузиш ҳуқуқи; - уларга нисбатан киритилган банкротлик процедураларининг йўқлиги; - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йўқлиги;
4	Танлашни ўтказиш шарти	4.1	
		4.2	Қўйидаги иштирокчиларнинг танлашда қатнашишига йўл қўйилмайди: Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
			“Бюджетмачи” билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган;
			Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида киритилган;
			солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;

			<i>имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.</i>
		4.3	Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиради: Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда “Буюртмачи”нинг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлаш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
		4.4	иштирокчи адолатсиз танлаш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
5	Танлаш тили.	5.1	Танлаш таклифи, иштирокчи ва “Буюртмачи” томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
6	Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби	6.1	Иштирокчи etender.uzex.uz очик электрон ахборот портали орқали эълон қилинган лот бўйича танлаш таклифларини тақдим қилишлари керак.
		6.2	Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари, ўз таклифларини etender.uzex.uz очик ахборот порталида берилган эълонда белгиланган тартибда танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича тақдим қилади.
		6.3	Танлаш иштирокчиси: тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади; тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
		6.4	Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва қўйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.
		6.5	Танлаш таклифи икки қисмдан иборат: - техник қисм. Буюртмачининг техник топшириғига мос келиши ва таклиф етилаётган хизматларнинг батафсил тавсифидан иборат; - нарх қисми. Танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: хизматларнинг номи, хизматларнинг нархи, умумий миқдори ва тўлаш шартлари, солиқлар, таклифнинг амал

			қилиш муддати ва бошқалар.
		6.6	Танлаш таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Бешбулок қишлоғи-180405, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ.
7	Тақдим қилинган танлаш таклифлари муддатини узайтириш	7.1	Зарур ҳолларда, “Буюртмачи” танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш комиссияси қарорига асосан, танлаш иштирокчиларига таклифларини амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан таклифларни қабул қилишинг охириг муддатидан 3 кун олдин мурожаат қилиши мумкин.
		7.2	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталда жойлаштирилади.
8	Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш	8.1	Зарур ҳолларда “Буюртмачи” танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор, таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида 3 (уч) кун аввал қабул қилиниши мумкин. Танлаш таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида кўрсатиладиган ишлар, хизматлар ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида 5-12 кунга узайтирилади. Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танлашни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.
9	Танлаш таклифлари солинган конвертларни очиш таомили ва уларни баҳолаш мезонлари	9.1	Иштирокчиларнинг танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, танлаш таклифлари берилиши яқунланган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан ошмаслиги керак.
		9.2	Танлаш комиссияси рад қилинмаган таклифларни баҳолаб, танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлаш ғолибини аниқлайди.
		9.3	Танлаш иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, танлаш комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
		9.4	Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади.
		9.6	Таклиф амалдаги қонунчилик ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.

		9.7	Танлаш таклифи амалдаги қонунчилик ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, танлаш комиссияси таклифни рад этади.
		9.10	Агар танлаш иштирокчилари танлаш таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтидаги сана бўйича танлаш таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
		9.11	Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
		9.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси, бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда танлаш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
		9.13	Танлашнинг хорижий ва маҳаллий иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади
		9.14	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш тизим томонидан баённома да қайд қилинади.
		9.15	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш танлаш комиссиясининг барча аъзолари томонидан амалга оширилад.
		9.16	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.
10	Бошқа шартлар	10.1	Агар танлашда ишлаб чиқарувчининг илгари Ўзбекистон Республикасига етказиб берилмаган маҳсулотлари таклиф етилса, танлаш комиссияси ушбу маҳсулотга учинчи шахсларнинг маҳсулотга тегишли тавсияни тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига ега.
		10.2	Танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров “Буюртмачи”га таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида 2 (икки) кун аввал келиб тушган тақдирда “Буюртмачи” кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида белгиланган шаклда танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича

			тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.
		11.3	<p>Қўйидаги ҳолларда танлаш ўтмаган деб топилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> • <i>танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлаш комиссияси барча таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.</i>
		11.4	<ul style="list-style-type: none"> • Ғолиб бўлган таклиф акцептигача, “Буюртмачи” исталган вақтда танлашни бекор қилиши мумкин. Танлаш бекор қилинган тақдирда “Буюртмачи” махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
12	Шартома тузилиши	12.1	Танлаш натижаларга кўра шартнома, Ғолиб билан шартнома тузаётган танлаш “Буюртмачи”си томонидан тақдим қилинган танлаш ҳужжатида кўрсатилган шартлар асосида тузилади.
		12.2.	Танлаш комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”дан тегишли ёзма хабарнома олади.